



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
4 март
ЧОРШАНБА
№ 18
(12.133)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

БЕГОЙИМЛАР БЕКОБОД БАХТ УЙИДА

Хондайлик қишлоғидаги 10-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Мўтабар Раҳимова Уртачирчиқ тумани Қорасув қишлоқ врачлик пункти мудираси Шахло Бахромова танимасди. Пискентлик фермер Муҳаббат Ризаева ҳам Бекободда ҳамкасби Турсунбойматов ўз фермер ҳўжалигини гуркиратиб ривожлантириётгани, ҳийла тажриба ортирганидан беҳабар эди. Ёки Зағнота туман ички ишлар бўлими ҳўқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими катта ноизири Шаҳноза Ҳидоятова вақти келиб келеслик ҳамкасби Мунававра Раҳматова билан касбий малака бўйича ўртоқлашиши хавлига ҳам келтирмаганди. Ёки Юқоричирчиқ туманидаги қишлоқ ҳўжалик коллежи талабаси Роза Дусебоева бир кун келиб, турон яққураши бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Маҳфуза Абдуллаева билан асдалик учун расмага тушишини туш ҳам қўрмаганди.

Улар баҳорнинг илк айёми - Хотин-қизлар кўни арафасида "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бахт уйида учрашди. Шу кўни вилоятимиз туманлари тadbirkorлари, шифокорлари, ўқитувчилари, ўзини ўзи бошқариш ва ҳўқуқ-тартибот идоралари ходимлари, олий ўқув юрталари

талабалари ва коллеж ўқувчилари, жамоат ташкилотлари ҳамда партия фаоллари эрта тондан Бекобод шаҳрига тўпланишди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ташкил этилган "Қишлоқдаги бегойим" учрашуви қатнашчилари олис-яқин қишлоқларда тadbirkorлик ва фермерлик ҳаракатини кучайтириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва баркамол янги авлод тарбияси юзасидан тажриба алмашишди. Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлигида ташкил этилган учрашувида иштирокчиларнинг қизгин сўбатлари, санъаткор ва шoirларнинг чиқишлари, хонандаларнинг кўшиқлари ўзгача шўқуқ бағишлади.


Истиқлол берган бахтимдан ўргилди, - дейди Тошкент Давлат педагогика университети талабаси Камола Пардаева. - Ҳар биримиз ташаббус кўрсатиб, орзу-мақсадларимиз сари интилиб, бахтимизни топишимиз учун кенг имкониятлар очяпти. Уртачирчиқ туманидаги "Бағиш" маҳалласида "KLASSIK FASHION FM" ўқув курсини ташкил этдим. Тикувчи-модельерман. Қизларга тикувчилик касбини ўргатайман.

2006 йили таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат муқофоти билан тақдирландим.

Камола сўзини тўрт сатр шеър ўқиш билан якунлади: **Юрсам тўрт тарафим гулзор бўлади, Гуллайман, ҳар куним баҳор бўлади. Сўз айтсам, ашўру алёр бўлади, Мен шу гузал юртининг бахтли қизиман.**

Навбатдаги расмий бир тadbirkor бўлса керак деб ўйлагандим, - деди Бўстонликдан Сирдарё бўйларига олис йўл босиб келган "Қувавтеб-Бекзод" фермер ҳўжалиги раҳбари Гулжон Ҳудойқулова. - Ҳаммаси кутганимдан аъло бўлди. Пискент, Янгийўл, Уртачирчиқ, Бекобод туманларидан келган фермер аёллар билан қилган сўбатларим, айниқса, фойдали бўлди. Тажрибалар билан ўртоқлашдик, муаммоларимизга биргаликда ечим топиш борасида масъалалашиб олдик. Дарҳақиқат, учрашув ниятда фойдали бўлди, иштирокчилар янги-янги гоёлар, орзу-мақсадлар билан қишлоқларига қайтишди.

Жўрабек МУРОДОВ. СУРАТАРАДА: учрашувдан лавҳабар. **Еркебой БОТИРОВ** олган суратлар.



РЕЖАЛАР КўЛАМЛИ, МАҚСАДИМИЗ АНИҚ

Шаҳар ва туманларда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» вилоят дастурини бажаришга уюшқоқлик билан киришилди.

Мамлакатимизда ҳар бир йил буюк келажак йўлидаги салмоқли бунёдкорлик қадами сифатида тарихга қираяпти. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳам қишлоқ инфратузилмаси тармоқлари - уй-жой ва йўл қурилиши кўламини кенгайтиришда, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминотини янада яхшилашда, транспорт, алоқа ва коммунал-маиший хизмат соҳаларини ривожлантиришда, хўллас, қишлоқларда турмуш даражаси ва маданиятини янги поғонага кўтаришда муҳим босқич бўлиб қолади.

Бунга эришиш мақсадида қишлоқда ишлаб чиқаришнинг тармоқлари - фермерлик ҳаракати самарадорлигини ошириш, саноатни, айниқса, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ичмам қайта ишлаш қувватларини барпо этиш, хизмат ва сервис шохобчаларини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва спортга эътиборни кучайтиришни кўзда тутувчи кенг кўламли дастур ишлаб чиқдик ва амалга оширишга киришдик, - деди вилоят ҳокимининг ўринбосари **Содиқ Абдуллаев** "Тошкент ҳақиқати" муҳбирига. - Дастур давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдир-

ган танқидий фикр-мулоҳаза ва йўл-йўриқлари асосида ишлаб чиқилган аниқ-равшан тadbirkor режасини ўз ичига олади.

Содиқ Собитович, вилоят дастурининг асосий йўналишлари ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз?

Дастурнинг йўналишлари ҳам, бажариладиган ишларнинг кўлами ҳам ниятда кенг. Шуни айтиш кифояки, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоятда 100 га яқин ижтимоий-маданий ва маънавий-тарбиявий тadbirkor амалга оширилади. Бу мақсадларга бюджет ташкилотлар, корхоналар, тижорат банклари, тadbirkorлар ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан 227 миллиард сўм йўналтирилиши режалаштирилган.

Қишлоқда турмуш шароитини талаб даражасига кўтариш режалари қандай?

Муаммонинг ечими қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни янада ривожлантиришга боғлиқ. Шуни назарда тутиб, бу йил қишлоқ жойларида 45 та янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва ишга тушириш мўлжалланмоқда. Тўқимачилик ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари уларнинг асосини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).



ТЕАТР ЖАМОАСИ КОЛЛЕЖДА

Пойтахтдаги Абдор Ҳидояттов номли театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Қибор туманидаги энергетика касб-ҳўнар коллежи меҳмони бўлишди.

Буюк аждодларни ёд этиб мавзудаги адабий-бадий кечда Ўзбекистон халқ артистлари Афзал Рафиқов, Элёр Носиров мумтоз адабиётимиз, бугунги ёшлар маънавияти хусусида фикр юритиб, тарихий асарлардан парчалар намойиш этишди. Коллеж талабаларини санъат бора-сида қизиқтираётган саволларига атрафлича жавоб қайтаришди.

Республикада хизмат кўрсатган артист Муножат Тешабоева ижро этган мумтоз куй-қўшиқлар тadbirkor янада файз киритди.

Алишер РАҲМАТОВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ЛОҚАЙДЛИК - МАЪНАВИЯТ ЗАВОЛИ»

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг шу йил 18 феврал сонидан "Ачиқ, аммо очик гап" рўкни остида эълон қилинган мақолада "Ватанпарвар" ташкилоти Оққўрғон туман кенгаши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, маънавий-маърифий тарбиёт масалаларига лоқайд муносабатда бўлаётгани танқид қилинган эди.

Тахририят танқидий мақола юзасидан "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раиси Карим Ваҳобов имзоси билан жавоб хати олди. Унда, хусусан, шундай дейилди: "Маъмур мақола 2009 йил 23 февраль кўни вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида барча шаҳар, туман кенгашилари раислари, автомобиль мактаблари бошлиқлари ва уларнинг маънавий бўйича мутахассислари иштирокида атрафлича муҳокама қилинди. Муҳокама давомида мақолада билдирилган танқидий фикрлар тўғри эканлиги, яъни, Оққўрғон тумани кенгашида шундай камчиликларга йўл қўйилганлиги тан олдин ва бошқа ташкилотлар ҳам бундай камчиликлардан ҳоли эмаслиги тadbirkor ўтилди.

Йиғилишида барча ташкилотлар раҳбарларига ёшлар ўртасида ўтказилаётган маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўлими тadbirkorлари ва спорт мусобақалари савиясини ошириш, ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш вазифалари юқлатилди. Шунингдек, жойларда газетда чоп этилган мақолали муҳокама қилиш юзасидан тегишли чора-тadbirkorлар белгилаш ва унинг ижросини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Туманда ёшлар ўртасида ўтказилаётган маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи тadbirkorлари ва спорт мусобақаларини ташкил этишда камчиликларга йўл қўйилганлиги учун МК "Ватанпарвар" ташкилоти

вилоят кенгаши раиси ўринбосари А. Ҳожиназаров, маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўлими етакчи мутахассиси Ш. Бобонова ва Оққўрғон тумани кенгаши раиси А. Ҳолматов эгзалаб турган лавозимидан озод этилиши лозим эди, лекин унинг тайинланганига 4 ой бўлгани инобатта олинб, ишда қолдирилди. Ҳозирги кунда туман ҳокимлиги қисқа вақт ичида ташкилоти бино ҳамда маънавият ва спорт йўналиши бўйича мутахассислар билан

таъминлаш масалаларини кўриб чиқмоқда. Айни пайтда вилоят кенгаши шаҳар, туман кенгаши раисларининг маънавият ва спорт ишлари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш масаласини кўриб чиқмоқда. Шу мақсадда 25 февраль кўни ташкилотларнинг маънавият бўйича мутахассислари иштирокида ўқув-масгулот ташкил этилди. Унда ташкилотларда маънавият соҳасига оид ишларни янада тақомиллаштириш, ўтказилаётган тadbirkor савиясини ошириш ҳамда шундай масгулотларни ҳар ойда ўтказиш масалалари келишиб олindi.

Тахририятдан:

Очили, биз маъмур жавобдан бир қағар қониқиш ҳосил қилдик. Ҳар ҳолда ташкилот томонидан маъмур мақола сабаб кечиктириб бўлмас вазифалар режаси ишлаб чиқилиб, амалий ҳаракатлар бошлангани қўшқатга сазовор. Асли мақсадимиз ҳам шу эди.

Бироқ, негадир Оққўрғон тумани ҳокимлиги мутахассислари танқидий чиқиш юзасидан ўз муносабатларини билдиришга ишорат қилишди. Бу ҳол мақолада ишора қилингандек, туман ҳокимлигининг ташкилот фаолиятига чиққан ҳам етарли эътибор бермаётганидан гаулашт эмасмикан...

Т. УТИШЕВ.

Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди

Шундай воқеалар бўладики, уларнинг сазй-ҳаракатларни жўшқилантирувчи таъсири вақт ўтиши билан кучли акс-садо бериб бораверади. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси шундай воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбарининг қунончаклик билан айтган сўзларини ён дафттаримга бирма-бир ёзиб бордим.

КЕЛАЖАККА МАСЪУЛМИЗ

Юртбошимиз вилоятимизда сўнги йилларда эришилган ютуқларга муносиб баҳо берган ҳолда кейинги вақтларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш борасидаги камчиликлар катта-кичик корхоналарда ялли маҳсулот ҳажмининг камайишига сабаб бўлаётганини ҳаққоний танқид қилдик. Бу борадаги нуқсонларни батафсил кўрсатиб, уларни бартараф этиш йўлларини белгилаб бердик. Жумладан, бизнинг корхонамиз фаолиятига ҳам асосли эътирозлар билдирилди.

Навбатдан ташқари сессиядан кейин бош мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар билан бамаънавият ҳолда ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, сифатини яхшилаш таъминловчи ташкилий-техникавий тadbirkor режасини белгилаб олдик.

Дарҳақиқат, ўтган йили хом ашё билан боғлиқ муаммолар юзга келди, натижада корхонамиз икки ойга яқин туриб қолди. Бироқ, сўнги ойларда, айниқса, сессиядан кейинги қисқа муддатда ишни оқилона ташкил этиш, техника ва бошқа ресурслардан унумли фойдала-

ниш натижасида ўтган йил декабрь ойининг сўнгида бизнес-режани бажаришга муваффақ бўлдик. Истеъмолчилар учун 243,3 миллион дона атрафлича шифер ишлаб чиқарилиди ва тайёр маҳсулотларни ҳамкорларимизга вақтида етказиб бериш чора-тadbirkorларини кўрдик.

Сирасини айтганда, бундан етти-саккиз йил муқаддам корхонанинг иқтисодий аҳоли анча ночор эди. Ҳатто, вақтинча ижтимоий кафолатларда айрим чекловларни жорий этишга ҳам мажбур бўлдик. 2001 йил натижаси бўйича атиги саккиз юз минг сўм соф фойда олинган эди, холос. Корхонада саккиз юзга яқин одам ишлар, ўртача иш ҳақи 75 минг сўм атрафлича эди. Шифер ва қувур цехларининг технология линияларида усқуналар хизмат муддатини деярли ўтаб бўлганди. Оғир молиявий аҳвол туфайли цемент ва асбест хом ашёси таъминотида тез-тез узиллишлар бўлиб турарди.

Ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш ва техникавий қайта қуриш ҳисобига 2002 йил охирига келиб ишда ижобий силжишларга эриша бошладик. Бироқ, кўп жиҳатдан ҳали қўшни корхона - "Охангаронцемент" ҳиссадорлик жамаиятига қарам эдик.

(Давоми 2-бетда).

Тахририятта мактуб

МУАММОНИ КИМ ҲАЛ ҚИЛАДИ?

Кейинги пайтда "Тошкент ҳақиқати" газетаси саҳифаларида жойларда аҳолини қўйиб келаятган турли муаммолар доим кўтариб чиқилаётганидан жуда хурсандимиз. Шу мақолалар орқали ўзимизни ўйлантириётган масалаларга жавоб топгандек бўлаяпмиз.

Бизда анчадан бери бир оррикли масала ҳал бўлмади. Паркент фермерлар уюшмамизда тоза ичимлик суви таъминоти қоникар-

сиз аҳволда. Ҳозир уюшмада 632 та хонадон бор. Таҳминан ҳар бир ҳўжалик 50 литрдан сув истеъмол қилганда кўнига 31600 литр сув

керак бўлар экан. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳар 10 та ҳўжаликка 1 та қран, яъни водопровод керак. 50 та қран ишга тушса, аҳолига сув етказиб бериш масаласи ҳал бўлади. Сув танқислиги сабаб қишининг совуқ, ёзнинг жазирама кўнларида узокдан сув ташиб келаятганларни кўриб, юрагимиз ачийди.

Улар суви арава ёки челкаларда келтиришади. Мута-садди раҳбарлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриб, муаммони ҳал этишлар, айни муддао бўларди. Ҳеч бўлмаса, масалани туманимиз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури доира-сида ҳал этишининг имкони бордир?..

Т. УТИШЕВ.



Айни пайтда ишлаб турган корхоналари модернизацциялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта қурулганлиги доир 26 та йирик лойиҳани амалга оширишга киришляпти. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, 29 та корхонада 109 та лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга 37 та тўхтаб қолган ёки кам қувват билан ишлаётган корхоналари қайта тикланган, молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга киришилди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирлар режаси ҳам ниҳоятда қўламли. Бу йил яна 25 та қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланади. Бунинг учун умумий узунлиги 72 километрли сув тармоқлари қурилиб, ишга туширилади. Газ ва электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 30 километр масофадаги газ қувурлари ва 330 километрга яқин масофадаги электр тармоқлари мукамал таъмирланади. Бундан ташқари 136 километр халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўллар, 52 километр маҳаллий ва 79 километр қишлоқлараро автомобиль йўллари қайта таъмирланаётди.

Дастурда белгиланган режаларнинг изчил амалга оширилиши қишлоқларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги сифат даражасига кўтарди. Бу йил туман марказлари ва чекка қишлоқларда 148 та мини-маркет, 30 та умумий овқатланиш ва 127 та маиший хизмат корхоналарини ишга тушириш ҳисобига 21 мингга яқин иш ўринлари барпо этишни кўзда тутганмиз.

— Умуман, қишлоқ жойларида аҳолининг иш

билан таъминланишини яхшилаш, ишсизлик муаммосини бартараф этиш борасида қандай режалар кўзда тутилмоқда?

— Албатта, аҳоли бандлиги бугун қишлоқнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Агар вилоятимизда бу йил коллежлари 25 минг йигит-қиз битириб чиқиси эътиборга олинса, бу борадаги вазифалар

тилган йирик ташкилий-ҳўжалик тадбирлари амалга оширилади. Шу маънода қишлоқ ҳўжалигида меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган қандай тадбирлар кўзда тутилган?

— Маълумки, фермерлик ҳаракатини чуқур уйланган ва асосланган дастур бўйича ташкил этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, керакли имтиёз ва

залаш ва тартибга солиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Сугорили мавсуми бошлангунча 228 та насос станциясини таъмирлашни тугатиш, улар ёз бўйи ишлаб туришини таъминлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Бу йил 300 гектар майдонда экинни томчилатиб сугориш тизими яратилди. Айни пайтда фермер ҳўжаликлари имтиёзли асосларда қўллаб

да халқ таълими, маданий-маърифий тарбия ва спорт-соғломлаштириш соҳаларининг моддий асосларини яна ҳам мустаҳкамлаш, ишчи сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш режалари белгилаб қўйилган. Чунинчи, янги ўқув йили бошлангунча 14 минг 745 ўқувчи ўрнига эга бўлади-деган 23 та касб-хунар коллежи, 3331 ўринли 8 та янги мактаб қурилиши тугалланди. 85 та мактаб мукамал реконструкция қилиниб, 59 та мактаб тўла таъмирланди. Қишлоқларимизда 12 та болалар спортини иншоотлари, 2 та сузиш ҳавасига қурилиши ва тўла таъмирланиши кўзда тутилмоқда.

Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди

КЕЛАЖАККА МАСЪУЛМИЗ

Бу маҳсулот буюртмачиларга манзур бўлди. Шу қунларда черепица хом ашёсидан қадимий услубда ишлаб чиқариш мўлжалланган сопол гиштчаларни синновдан ўтказмоқдамиз. Ҳозирги энг салмокчи ишларимиздан бири, шубҳасиз, Оҳангарон рангли цемент корхонасини оёққа турғазидан иборат. Неча йиллардан бери ишламай, каровсиз холга келиб қолган бу корхона қайта таъмирланди. Клинер майдалаш тегирмонлари шай холга келтирилди, компрессор участкаси ҳам тўла қўлдан чиқарилди. Корхона худуди тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган неча йиллик чикиндилардан тозаланди.

“Оҳангаронцемент” ҳиссадорлик жамиятининг тоғ чегира оғиб борадиган йўл ҳам баҳонада раво бўлиб қолди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилинда олдимизда Оҳангарон туманининг Ургўсой қишлоғидаги қариб 100 га яқин участкада қишлоқнинг ўзига хос тарихини янада кўриб чиқишга имконият яратилди. Бу борада Юрчиқчилик ва Бўстонлик туманларида олиб борилаётган ишлар, айниқса, иборатли. Бугун парваршиш қўлайитрилиб, далалар экишга тайёрланмоқда.

Дастлабки қадамлар дастурларимизда белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилишида далолат бераётди.

“Тошкент ҳақиқати” мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ сўхбатлашди.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туман ҳокимликлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳамма муассаса, корхона ва ташкилотларда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг худудий ёки тармоқ дастурлари қабул қилинди. Уларда ниҳоятда қўламли вазифалар белгиланган. Бугун қишлоқларимизда жуда катта қурилиш-таъмирлаш, янги техника ва технологияларни ўрнатиш-созлаш ишлари давом этмоқда.

Қишлоқ сўнги ҳафталиридан бутун вилоят бўйлаб ободонлаштириш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Бу борада Юрчиқчилик ва Бўстонлик туманларида олиб борилаётган ишлар, айниқса, иборатли. Бугун парваршиш қўлайитрилиб, далалар экишга тайёрланмоқда.

Дастлабки қадамлар дастурларимизда белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилишида далолат бераётди.

“АДОЛАТ” ҒОЛИБ КЕЛДИ

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-тапловининг худудий босқичида Ангрэн, Оҳангарон, Олмалик шаҳарлари ҳамда Уртачирчиқ, Оҳангарон туманлари мактаблари жамоалари иштирок этди.

Мазму доирасидаги савол-жавоблар ва саҳна қўриқлари бўйича юқори натижага эришган Ангрэндаги 4-умумтаълим мактабининг “Адолат” жамоаси танлов ғолиби деб топилди.

Мунаввара РАЖАББЎЙ қизи.

РЕЖАЛАР ҚЎЛАМЛИ, МАҚСАДИМИЗ АНИҚ

қўламини янада кенгайтиришимиз тақозо этилади.

Дастурда бу масалани ҳал қилишга қаратилган вазифаларни аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, бу аҳолининг турмуш даражасини кўтаридишда етакчи аҳамиятга эга.

Шунингдек, чорвачилик, паррандачилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қандалатчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 8,8 мингдан ортиқ, қасаначиликда 8 мингга яқин аҳоли иш билан банд этилади. Умуман, йил давомида жами 85 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Бу саноат-хўжалик тармоқларида аҳолининг бандлиги даражаси кўтарилиб, даромади ошишига олиб келади.

— Яқунланган йилда фермер ҳўжаликларини ривожлантиришга қара-

шароитларни яратиб бериш, экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, илм-фан ютуқларини деҳқончиликка изчил жорий этиш орқалигина аграр соҳада қўлдан натижаларга эришиш мумкин. Қисқа муддатда фермер ҳўжаликлари йириклаштирилади, экин майдонлари, ер билан тиллаша оладиган ҳақиқий фермерлар қўлга ўтди.

Энг муҳими, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар бугун вилоятимизда катта кичикка яқин аён. Хусусан, экин майдонларининг тупроқ шароитини, сув таъминотини яхшилаш, ерларнинг захини қочириб қўлишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бунинг учун 4088 километр узунликдаги сугорилиш, 984 километр узунликдаги мелiorатив тармоқларини то-

Муҳофазатга шайлик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосан аҳоли ва худудларни табиий офатлардан муҳофазат қилишнинг самарали тизимини яратиш, республика худудида содир бўлиш эҳтимоли бор табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Муҳофазат вазирлигининг фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди.

КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ



Бугун ана шу санага 13 йил тўлди. Утган давр мубайнида вазирлик республика худудида юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий-маънавий қадриятларини муҳофазат қилишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширди. Хусусан, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг асосий фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятлари фавқулодда вазиятлардан муҳофазат қилиш тўғрисида”ги, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни, республика Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлашга қаратилди.

Халқимизда “Касални даволагандан унинг олдини олган афза” деган нақл бор. Баҳор мавсумида вилоятнинг геологик жараёнлар янғини мавжуд бўлган худудларда жойлашган 60 та хонадонда истиқомат қилаётган 256 нафар аҳолини ўртасида мавсумолди тушунтириш ишлари олиб борилиб, Ангрэн шаҳри, Оҳангарон, Бўстонлик ва Паркент туманларида 25 хонадон доимий яшаш хойига, 30 хонадон эса, вақтинчалик хавфсиз хойга кўчирилди. Сел-тошқин хавфи мавжуд худудларда кирғоқчи мустаҳкамланди, ўзлар тозаланди ва дамблар қурилди. Аҳоли муҳофазаси куч ва

ЧУҚУР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Жиноят ишлари бўйича вилоят судида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби” мавзусидаги маърузаси ва ундан келиб чиқадиган суд органларининг истиқболдаги вазифаларига бағишланган амалий-семинар бўлиб ўтди.

Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан жиноят ишлари бўйича вилоят суди билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарда Республика Олий суди вакиллари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ҳамда туман ва шаҳар судлари судьялари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ўринбосари О. Исмоилов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Абдулла ТУРОПОВ.



ФАҚАТ САВДО БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Ўртачирчиқ туманидаги тадбиркорларнинг кўпчилиги асосан чакана савдо-сотик билан шуғулланар экан. Бу маълумот туман ҳокимлигининг асосий ва хусусий бизнес субъектлари ҳамда тадбиркорлар учун ўтказилган очик мулоқотда айтилди. Тадбирда туман ҳокимлиги, прокуратура, солиқ инспекцияси, савдо-саноат палатаси ахборот-маслаҳат маркази, тижорат банклари вакиллари иштирок эттишти.

Сўзга чиққанлар асосий эътиборни тадбиркорлар учун давлат томонидан яратилаётган имтиёз ва имкониятлар, солиқ ва банк тизимидеги янгиликларга қаратишди. Шунингдек, туманда ишлаб чиқариш соҳасининг оқсаётганлиги, чекка-чекка худудларга маиший хизмат ва савдо-сотик инфра-тузилмасининг кириб бормаётгани, қолавер-

са, мавжуд имкониятлардан яхши фойдаланилмаётгани таъкидланди.

Баъзи тадбиркорлар, — деди “Дилноза” хусусий савдо тижорат ва ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Рихсиёйи Эргашев, — ишлаб чиқариш орқали фаолиятларини кенгайтириш зарур. Бунинг учун ҳеч қандай муаммо йўқ. Минитех-

нология керак бўлса, пойтахтда тез-тез ўтказилаётган кўргазмаларнинг эшиги улар учун очик. Кредит ва лизинг масалалари бўйича банклар хизматга шай. Тадбиркорларнинг манфаатлари давлат томонидан ҳимояга олинган бўлса... Ишлаш учун бундан ортиқ қандай шароит керак?

Маълумотларга қараганда, ҳозирда туман бўйича 1393 та кичик бизнес субъекти фаолият юритаётган бўлса, ўтган йили улар учун 1 миллиард 323 миллион сўм кредит ажратилган. Бу йилдан бошлаб қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш,

ҳамда тикувчилик йўналишларини ривожлантириш учун кредитлар ажратиш зарурлиги таъкидланди.

Зеро, 2009 йилни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилишдан мақсад ҳам шун, яъни қишлоққа саноатни олиб кириш, иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини оширишдир.

Хуришда НАЗАРОВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири.

СУРАТЛАРА: очик мулоқот тадбиркорлар учун фойдали бўлди.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Гўзаллик ва нафосат айёми бўлиши 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида “Маҳалла” хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ибратли ташаббус кўрсатди.

ДУО ОЛИШГА НЕ ЕТСИН!

Вилоятимиз туман ва шаҳарларида умрғузларнинг қилаётган 100 ёшдан ошган табарруқ онахонлар алоҳида йўқлиниб, уларга жамғарманнинг эсдалик совгалари ҳамда анвойи гуллар ҳада этилди.

— Вилоятимизда юз билан юзлашган саодатманд онахонлар 100 нафардан зиёд экан, — дейди “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Раҳматилла Шералиев. — Улар хонадонда бўлганимизда, табарруқ инсонлар юз-кўзидеги шўқроналик, меҳр нурларини қўриб қувондик. Улар дуога қўл оғанда, юртга тинчлик-хотиржамлик, қўт-баракат, катта мавсум олдига турган деҳқонларимизнинг қасбу қорига ривож тиладилар.

Шундай саодатли умр соҳибаларидан бири Қибрай туманидаги Тузёл қишлоғида яшовчи Холча момо Аҳмедовадир. Вилоятимизнинг энг ёши улғуларидан саналган онахон бу йил 114 баҳорини қарши олдилар. Янги таниган биланган “Холча момо уч аспринг юзини қўрган” дея ҳавас қилади.

— Юртимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин, — дейди Уртачирчиқ тумани “Наврўз” маҳалласида яшовчи 108 ёшли яна бир табарруқ онахон — Мафритиля Я. Бошова. — Не-не қулар, синовларни бошдан кечирмадик. Меҳр-оқибатли инсонлар орасида яшаган одамнинг умри узок бўлarkan.

— Дарвозамиз пештоқидеги ҳамма бир боғ исирик осилдик туради, — деб завқ билан сўзлайди 100 ёшли қариялар онахонларини Қумушбўйи Озизкулов. — Бу оила остонасини ёмон назардан, бало-қазодан асраш учун қилинади. Бугунги тўқин-сочин қўлини қўриб, қани энди, илгариги кўчми бўлсаю, бутун юртимиз кўчаларига исирик осиб чиқсам, дейман...

Чиндан ҳам, табарруқ ёшида атрофдагилардан меҳр-оқибат қўриб, ўйнаб фаранглар, добура, чеварола эвраланидан набижонини қилиб яшаш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахт. Улар ҳолидан ҳаммиша хабар олиб, қувончига шерик бўлиш ҳаммамизга насиб этсин.

Тадбиркор ва ишбилармонлар диққатига! «TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJA MARKAZI» МЧЖ СИЗЛАРНИ 2009 ЙИЛ 3 АПРЕЛЬ КУНИ СОАТ 11.00 ДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдола куйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбўрж қўрғони, “Матлуботсавдо” МЧЖ омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2008 йил 27 октябрдаги қарорига асосан тақдим этилган, давлат рақами 11 А 2595, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган, “УАЗ-469” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 535 737 сўм.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2008 йил 5 декабрдаги қарорига асосан тақдим этилган, давлат рақами 11 А 2595, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган, “УАЗ-469” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 716 748 сўм.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2008 йил 4 декабрдаги қарорига асосан тақдим этилган, давлат рақами Х 223 РNM, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, таъмирталаб бўлган, Daewoo Cielo русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 000 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Х. Қодиров ф/уда жойлашган, Пискент туман “Қўлдош ота” ХЧХга тегишли бўлган ферма. Бошланғич баҳоси — 33 000 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Пискент тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А. Дўстбеков ф/у 4-бўлимида жойлашган, Эрматов Нурилла Тешабоевичга тегишли бўлган чойхона биноси. Бошланғич баҳоси — 12 585 160 сўм.

Аукцион савдолари Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-А уй, 4-қават. МЧЖнинг АТИБ “Ипотек банк”нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, СТИР 202865831, 202100000393989001 хисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун белгиланган тартибда ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-А уй, 4-қават. Тел.: 233-20-74.

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлига йил

ВАЗИФАЛАРИМИЗ КАТТА, АЛБАТТА УДДАЛАЙМИЗ

Бўка – вилоятда энг кўп пахта ва галла етиштирадиган туманлардан бири. Туманимизда пахтачилик, галлачилик ва чорвачиликда ўзига хос деҳқончилик мактаби яратилган десак, муболага бўлмайди. Ҳозирда 632 та фермер хўжалиги шу соҳада фаолият юритаётир.

Юртбошимизнинг 2008 йил 6 октябрдаги фермер хўжаликларига ер участкаларини мақбул ўлчамларга келтириш орқали улар фаолияти самарадорлигини оширишга доир Фармони аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқ ҳаётини фаровонлаштиришни назарда тутганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, қишлоқларимиз ривож топганлиги ва фаровонлигининг муҳим омилдир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, барчамизнинг илдимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади. Она-Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча қишлоқ тимсолидан бошланади.

Туманимизда 8 та қишлоқ, 39 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастуридаги асосий мақсадимиз ав-

қайд этди.

Шу мақсадда туманимизда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида замонавий технология билан жиҳозланган ихчам қорхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси, авваламбор ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

Албатта, кўзда тутилган кенг қўламли ўзгаришлар замирида қишлоқ тараққиёти топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади, деган оқдод ва ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқат мўжассам, десак хато қилмаган бўламиз.

Туманимизда 249 километр узунликдаги асосий ва ҳўжаликлараро автомобиль йўллари таъмирланади. Умумий узунлиги 3 километр бўлган янги ичимлик суви қувурлари ётқизилади. Яна иккита қишлоқда сув таъминоти объекти реконструкция қилинади. Шунинг-

дек, 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида 850 та янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Қишлоқ аҳолисини, аввало ёшларни иш жойлари билан таъминлаш, 415 та янги касаначилик иш ўринларини ташкил этиш дастурининг асосий бандларидан.

2009-2010 ўқув йили бошлангунга қадар аниқ манзилли қурилиш рўйхати киритилган 1230 ўқувчи йўналишга мўлжалланган иккита касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилади. Мана, баҳор келиб жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан бир қаторда экин-тикин мавсуми ҳам бошланиб кетди. Бундай паллалар одатда биз учун бағоят муҳим саналади. Ишончим комилки, туманимизнинг бир сўзли, меҳнаткаш аҳли билан олдимизга қўйган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Неъмат АБДУЛЛАЕВ,
туман ҳокими.



СУРАТДА: мўқобил МТП раиси Шўҳида Азизова фермерлар уюшмаси раиси Абдуҳалил Нишонов бўғдой майсаларини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Таълим ва ислоҳот

МАКТАБ – УЛУҒ ДАРГОҲ

Юртбошимизнинг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури тўғрисида"ги Фармони соҳанинг моддий-техник базасини изчил ривожлантириш, таълим-тарбия сифатини ошириш, педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги амалий ишларни янги босқичга кўтарди.

Бу йил умумийлиги дастури асосида 6 та мактаб капитал реконструкция, 8 та мактаб капитал таъмирланади. Шунингдек, ўқувчилар техник ва иқтисодий маркази капитал реконструкция қилинмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси туман филиали ажратган маблағ ҳисобига Туркистон фермерлар уюшмаси ҳудудидаги 37-умумтаълим мактабидан спорт зали қурилмоқда. Буларнинг барчаси "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" тамойилининг амалий ифодасидир. Эндиликда минглаб ўқувчилар ҳар жиҳатдан қулай ва замонавий мактабларда таълим оладилар.

Мактабларимизда илгор ўқитувчилар таърибаларини оммалаштириш, улар билан ва салоҳиятларини рағбатлантириш мақсадида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Энг яхши тарбиячи" каби кўрик-танловлар ўтказилапти. 34-умумтаълим мактабининг қирғиз тили фани ўқитувчиси Омонғали Аҳмедов танловнинг вилоят босқичида энг яхши фан ўқитув-

чиси дея эътироф этилиб, 1-ўринга муносиб топилди. Барча таълим муассасаларида фан олимпиадалари мунтазам ўтказилапти. Жумладан, январь ойида тарих, ҳуқуқшунослик, февралда эса, физика фани олимпиадалари бўлиб ўтди. Бу ўқув йилидаги муҳим ишларимиздан яна бири – барча таълим муассасалари ўқувчиларига тўлиқ намунавий ўқувчи формасига ўтказилди.

Мактаб ва боғчаларда ободонлаштириш ишлари кизгин тус олди. Бунинг учун 2009 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда амалий ишларга киришилди.

Таълим ходимлари ҳамда ўқувчилар баҳорги ободонлаштириш ишларига ҳам хисса қўшишмоқда. 54 та мактаб ва 17 та мактабга таълим муассасаларида шу кўнғача 2 минг тупдан зиёд арча, 6 минг тул тарак кўчатлари экилди. Мактаб ер участкаларида мева ва манзарали даракларга шакл бериш, гул кўчатлари ўтказиш давом этапти.

Саидбахром ҒУЛОМОВ,
туман халқ таълими бўлими мудири.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Республикамиз Президенти 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақулилари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидлаганидек, тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ҳамда яратилган имкониятлар натижасида бугун ушбу соҳа иқтисодиётнинг етакчи қучига айланиб улгурди, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Пахтабанк"нинг туман филиали бу соҳа вакилларига замонавий банк хизматларини кўрсатиш учун қулай имконият яратди.

Туманимизда паст рентабелли ва истиқболсиз қорхоналарга инвестициялар киритиш, қишлоқ аҳолисини турмуш фаровонлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мулкдорлар синфи манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Шу жараёнларнинг ҳаммасида туман тижорат банклари муҳим роль ўйнамоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан "Пахтабанк" филиали қишлоқ аҳолисини, шунингдек, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларига янги имтиёзли кредит турларини тақриф қилаётир. Ҳозирги кунда банк аҳолидан миллий валютада "Ок-олтин", "Равнак", "Замин", "Нур",

"Хумо", "Нав-нихол", "Маиший тўлов", "Мададор", "Тақдим этувчидан", "Пахтакор", "Янги йил тухфаси", "Қишлоқ фаровонлиги", шунингдек, хорижий валютада "Чашма", "Эзгу" ва "Севинч" каби 25 турдаги муддатли ва жағғариб бориладиган омонатларни қабул қилаёпти.

2009 йил учун халқ хўжалигининг турли соҳалари, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, шу билан бирга аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлаш мақсадида 508,6 миллион сўм кредит маблағлари ажратишни режалаштирялмиш. Бунда асосий эътибор қишлоқ ҳудудларида қўшимча иш ўринларини ташкил этишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш, озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ташкил қилишга қаратилди.

Анвар АҚУЛОВ,
"Пахтабанк" туман бўлими бошқарувчиси.



СУРАТДА: Дилмурод Қурбонқулов (ўртада) ишчилар Зокир Раҳимов ва Умид Холмуродов билан кунлик натижаларни сарҳисоб қилапти.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

БЎКА ТУМАНИ: ЮРТНИ ОБОД ҚИЛИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Дарҳақиқат, юрт обод бўлса, кўнгиллар шод, мақсадлар янада улуг бўлади. Қишлоқларимизни ободонлаштириш, қолаверса, давлат дастурини амалга ошириш учун жағғарма томондан аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унинг ижроси жойларда давом эттирилмоқда.

БИР КИШИГА БИР КЎЧАТ

Туманимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ маданияти ва ҳаётини янги поғонага кўтариш асосий мақсадларимиз.

Ҳозир "Бир кишига – бир кўчат" широй асосида манзарали ва мевали даракт кўчатлари экиш оммавий тус олди. Қолаверса, "Намунали кўча", "Покиза хонадон", "Саранжом-сарништа ховли" каби танловлар аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилаётир.

Тўлғаноқ ҲАМРОҚУЛОВА,
"Маҳалла" жағғармаси туман бўлими раиси.

САЛОМАТЛИК – АСЛ БОЙЛИК

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ёш авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номилаштириш биз тиббиёт ходимлари учун ҳам бир қатор масъулиятли вазифаларни юқлади. Бинобарин, халқимиз саломатлиги, ёшларнинг жисмонан соғлом камол топшишлари соҳа ходимларининг ўз бурчида сидқидилдан ёндашишига боғлиқ.

Туман тиббиёт бирлашмасида аниқ мақсадли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тез тиббий ёрдам, турғуқ бўлими фаолиятини кенгайтириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, улар "Саломатлик-2" ва "Аёллар ва болалар соғлигини муҳофиза қилиш" лойиҳалари асосида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланапти.

Биргина ўтган февраль ойининг ўзида 9 та қишлоқ врачлик пункти учун 3 мил-



лион 100 минг сўмлик микроскоп олинди. Турғуқ бўлимига эса, 7,8 минг АКШ доллари миқдорида замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди. Шунингдек, Бўстон, Паркент, Қўқорол, Туркистон қишлоқлари врачлик пунктларини капитал таъмирлаш режалаштирилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш мақсадидаги тарғибот-ташвиқот ишларидан маҳаллалар ҳамда туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Узоқ ва чекка қишлоқларда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш ҳам эъти-

бордан четда қолаётгани йўқ. Бунинг учун марказий шифохона ва кўп тармоқли поликлиниканинг малакали мутахассисларидан иборат сайёр гуруҳлар тузилган. Улар УЗИ, ЭКГ ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланиб, жойларда аҳолини тиббий кўридан ўтказишмоқда ва соғломлаштириш чораларини кўришмоқда. Ҳозирча учта чекка ҳудудда тўлиқ тиббий кўридан ўтказиш ишлари ақуналиши арасида.

Ҳикматилла ВАХОВОВ,
туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари.

«БУГУНИДАН ҚОНИҚҚАН ЭРТАСИНИ ЎЙЛАЙДИ»

дейди бўкалик ишбилармон Дилмурод Қурбонқулов

Дилмурод туман ҳокимлигига ишонч билан кириб борди. Бу даргоҳга неча марта келган бўлса, бироргал ноумид қайтмаган. Бундан уч йил аввал шу ишга қўл урибдики, ҳокимлик раҳбарлари унга ишониб, қўллаб-қувватлаб келишарди. Қолаверса, тадбиркорликка изн сўраб келган ўша пайтдаёқ кейинчалик фаолиятини кенгайтириб бориш, кўп тармоқли деҳқон хўжалиги қанақа бўлиши кераклигини амалда кўрсатиш ниятида эканлигини "қулоқ қоқди" қилиб қўйган. Мана, ўша пайт келди. 200 та товуқни 4000 тага етказди. Нафакат Бўка шахарчаси деҳқон бозори, балки атрофдаги бошқа савдо шохобчаларини ҳам туҳумлар тўлдирди ташлади.

Дастлаб 200 та товуқ каттага иш бошлаган бу тадбиркорлик тузилмаси бугун "Нурон Бўка" деҳқон хўжалиги номи билан бутун туманга танилди. Аввало, товуқларнинг ҳаммаси зотдор. Шунинг учун туҳумлар сифатли, харидорғир. Товуқлар дастлаб "Тошкент"

пarrандачилик фабрикасида олинди. Кейинчалик Самарқанддан ҳам келтирилди. Ишлар юришиб кетган, Зангиота туманидаги "Нур" пarrандачилик фабрикаси билан яқин алоқа йўлга қўйилди. Икки томонлама келишувга мувофиқ, бу фабрика зотдор товуқлардан олинган туҳумларни саралаб, очиради. Жўжалар 3-4 ойлик бўлгунча парвариланиб, "Нурон Бўка"га етказиб берилди.

Шуниси диққатга сазоворки, 4000 тадан зиёд товуқ катта усулида боқилаётгани боис ҳамма ишни тўрт киши бемалол удралапти. Туҳумлар каталардан думалаб келиб, бир жойда тўпланади. Ишчилар шу ердан олиб, махсус идишларга жойлашади. Шу зайлда кунига 3000 донадан зиёд туҳум савдога чиқарилапти.

Дарвоқе, деҳқон хўжалиги аввал болалар боғчаси, умумтаълим мактаблари ва интернатларни туҳум билан таъминлайди. Қолгани савдо шохобчаларига шартнома бўйича етказиб берилди.

Михозлар "Нурон Бўка" хизматидан мамнун. Биринчидан, маҳсулотни вақтида олишади. Иккинчидан, нархи ҳам бозордаги ўртача нархдан 20-30 сўм арзон.

– Мен бу ерда ишлаш бошлаганимдан сўнг ҳар қандай маҳсулотнинг савдодаги нархи, аввало, унинг таннаридан келиб чиқшини тушуниб етдим, – дейди пarrандабоқар Зокир Раҳимов. – Бор-йўги 4 киши етиштираётган туҳум, албатта, арзонга тушади-да. Шу боис ойллик иш ҳақимиз ҳам чакки эмас. Бажаётган вазифамизга қараб, 200 мингдан 400 минг сўмгача маош олаёпти.

Кўриниб турибдики, пarrандабоқарларнинг кайфияти яхши. Энг муҳими, улар ўз ишларидан мамнунлар. – Ишларимиз янада юришадиган бўлди, – деди ҳокимликдан курсанд қайтган Дилмурод Қурбонқулов. – Режамизни маъқуллаб,

қўллаб-қувватлашди, 30 гектар атрофда экин майдони ажратишни ваъда қилишди...

Шу ўринда 4000 та товуқ боқайтган деҳқон хўжалиги шунча ерни нима қилади, деган савол туғилиши мумкин. Дилмурод Қурбонқуловнинг режаси катта. Шу йилнинг охиригача товуқларни камида 10 мингга етказмоқчи. Бунинг учун яна битта бино қуриб қўйилди. У жиҳозланиб, ишга туширилган, ҳўжалик аъзолари яна тўрт кишига кўпаяди.

– Эришган натижаларга маҳлиё бўлиб, эртани ўйла-маслик асл тадбиркорнинг иши эмас, – дейди Дилмурод Қурбонқулов. – Изланганга имкон кенг. Анчадан бери фаолиятимизни кенгайтириш, ҳўжа ва озқуларни четдан келтиравермай, ўзимизни ўзимиз таъминлаш йўллари ҳақида ўйлаб юрамдм. Беморнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади, деган-

ларидек 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши биз учун айни мuddао бўлди. Туман ҳокимлигида тегишли раҳбарларга учраб, мақсадимизни тушунтирдим. Уларга маъқул келиб, ёрдам берадиган бўлишди. Энди 30 гектар ернинг бир қисмига озқуқ экинлари экиб, товуқларни экин билан таъминламоқчимиз. Жўжаларни ҳам ўзимизда очириб режалари ҳақида ўйлаёлмиш. Қолаверса, ажратилажак экин майдонни келажакда чорвачиликни йўлга қўйиш имконини беради.

Орузга айб йўқ, дейдилар. Энг муҳими "Нурон Бўка"да изланиш, интилиш бор. Қишлоқларда ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга аслида Дилмурод Қурбонқулов сингари деҳқон ва фермер хўжаликларининг астойдил сўй-ҳаракатлари орқали эришилади.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Улғубек ҲАМРОҚУЛОВ ва Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Инсон учун энг буюк нозмат бўлиши ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси, теварак-атрофимиздаги ҳодисалар, мавжудоту зарраларда ҳам, шубҳасиз, улкан ҳикмат, сир-саоат мавжуд.

Дунёни ҳар ким ўз кўзи билан кўради, ақл-фаросати билан англайди, дилидан ҳис этади. Қисқаси, дунёни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Мен ҳам ўзим кўра олган, ҳис қилган ва англаб етган манзараларни қозоғга туширишга ҳаракат қилдим.

ҚАМЧИ

Йўловчи отга кетма-кет қамчи уриб, манзил сари кистарди. Жони озор чекаётган от эса, аравани елдек учуриб, чопарди. Ха, керакли юкни манзилга тез етказиш учун оту аравадан ташқари қамчи ҳам зарур.



каби шаҳди йўқ инсоннинг ҳам ўз орзусига етиши мумкин.

Ҳаётда инсон ўз орзу юкни мақсад манзилига етказиб бориши учун шаҳд керак. Йўқса, қамчисиз оту аравани манзилга етказиб бориши маҳол бўлгани

МЕҲР-МУҲАББАТ



кезлари оламда ўлим анча камағириш. Демак, бу нурашонликда улкан ҳосият бор, сир-саоат мавжуд. Қалб — меҳр нуридек ёришади, муҳаббат уни нурга чулғайди. Қалби қариндош-уруғ дўстлар меҳридан баҳраманд, садоқатли ёр муҳаббатидан масрур инсонларнинг ўзлари ҳам нурдай пок, шўнадек жозибали бўлишади.

Тўлиқ ой фалакда сайр қилганда зулмат йўқолгани каби, нурга тўлиқ юракларда ҳам ёмонликка асло ўрин қолмайди. Ҳаёт — шундай инсонлар борлиги учун ҳам гўзал ва азиз.

Ой тўлган кечаларни кўрганимизми? Қандай гўзал, қандай жозибали. Яшаш қандай завқли: кундузнинг чароғон, кечангиз нурафшон, раҳат зулматдан холи. Айтишларича, ой тўлган

КУНЛАР

Худонинг кунни кўп, дейишди кексалар. Тонг отиб, кен кириб, кунлар ўтаверади. Кунлар ойлари, ойлар фаслларни, фасллар эса йилларни етаклаб келаверади.

ЎТАВЕРАДИ



Биз бир-бирига ўхшаш, билдирмай келиб-кетадиган беозор кунлар ёшлигимизни, умримизни ўғирлаб кетаётганидан нолиб қоламиз гоҳида. Аммо, ана шу кунларнинг исиз ўтишига ўзимиз сабабини эканлигимизни ўйлаб кўраймиш. Агар ҳар бир кундан лоқал биттадан тош олиб қолinsa ҳам, умримиз давомда ана шу тошлар улкан бир қаср қуриш учун етишини тасаввур эта

ЯХШИ

СЎЗ



гиз чиганоғи ичида оппоқ дурга айланар экан. Аслида, бу ёмғирдан борлиқ бахра олар, доваракху майсаларга жон битиб, барқ уриб ўсар, инсонлар яйраб яшар экан.

Яхши сўз ҳам шу ёмғирга ўхшайди: ундан диллар яйрайди, руҳ юксалади. Қалбнинг энг тубида эса эзгу хислар дурдек тизилади. Ҳамиша бир-биримизга яхши сўз айтилик, азизлар!

ҚЎШИК



Яхши қўшиқ эшитганда кишининг тани яйраб, руҳи кўтарилади. Нега шундай экан-а?

Ривоятларда айтилишича, Тангри талоо Одам Ато вужудини лойдан буно этгач, нурдан яралган руҳи покни бу қоронғуликка киришга қўндира олган ва фақат сирли оҳанг сехри билангина ушбу мушкулот ҳал этилган экан.

Бу бир ривоят, холос. Лекин, она алланинг уғлиги, Ватан мадҳиясининг гурӯбхш қудрати, марсияларнинг қалбларни ларзага солувчи сехри нимадан? Қоронғу вужудимизга кириб, ҳар хил қўноқлар азорлар-

га чидаб юришга руҳимизни қўндрган, уни гоҳ юксалтириб, гоҳ сокинликда овутиб юрган ҳам аҳтипол қўшиқдир. Ҳар ҳолда куй ва қўшиқда оддий бўлмаган бир саноат бор.

Мумтоз куй-қўшиқлар янграганда, атрафга кўз илғамас, лекин инсон руҳиятига ижобий таъсир этувчи нурлар таралар экан.

ОҚИБАТ

У аёлнинг фарзанди вафот этган. Унинг ўғли билан тенгдош, ўртоқ эдик. Шу сабабини, она-хон мени ҳар кўрганларда ўғлини кўргандек бўлишини кўп айтганлар. У кишининг ўзлари эса, менинг онам билан қадрдон эдилар. Шу сабабли, мен ҳам у кишини кўрсам, гўё онамни кўргандек бўлман.

Ҳаёт мўъжизасини қаранг: бегоналарнинг ҳам бир-бирига меҳрини тушириб, уларни қадрдон қилиб кўяр экан.

Меҳр эса — кўш шўна-ласидек пок туйғу. Кўш нурлари теккан ерлардан яшил майсалар ранг-баранг гул-чечаклар унгани каби меҳр жўшган дилларда ҳам фақат эзгулик унади, барқ уриб ўсади.

Мазмۇржон БОЗОРАЛИЕВ.

Обамийлик шеvasи

Ибодилланнинг қазосини ҳар ким ўзинча қабул қилди. Қўллар ачинди. Қўл силтаб қўйганлар ҳам бўлди. Ҳамқишлоқлари, аввало, Ибодилланнинг ёш кетганига ачиндишди. Қамқоқда ётганида ёмонроқ касаллик орттириб олган шекилли. Иккинчидан, у қазо қилган, ҳайҳотдек ҳовлининг қимсасиз ҳувиллаб қолганидан айримларнинг юраги ачишди.

Қазога қўл силтаганларни ҳам тушуниш мумкин. Ибодилла бир вақтлар қишлоқда Малиқбой бўлиб давр сурган, кейин эса, "Малиқ семиз" лақабини ортоқлаб юришга мажбур бўлган киши хонадонининг сўнги вакили эди. "Ота ўғил" дурустрок бир касбнинг бошини тутмади. Эрка яшаб, ҳаётда кўп янглишди, тайинли оила ҳам қуролмади. Хуллас, бутун бошли бир оила, тулпа-тузук хонадон тутдек тўкилди, бутунлай тўзиди.

Мен "Малиқбой"ни ҳам, "Малиқ семиз"ни ҳам яхши билман. Билманганим эмас, энди ўзимнинг ёшида бўлсам-да, турки-таровати ҳеч кўз олдидан кетмайди. Болалигимда юз берган ўша воқеани эсласам, ҳалиям елкаларим ачишаётгандек бўлади.

Учинчи синфни тугатиб, ёзи таътилга чиқдик. Отасиз, қўл учидан яшаганимиз учунми, лагерга бориш имкониятим йўқ эди. Аммо, ўқимасдим. Ёз бўйи қиладиган тайинли ишим, тўғрироғи, ўзим ёқтирадиган машғулотим бор. Эрталаб ва кечки салқинда замбилгалтагимни шалдиратиб далага бораман. Камида икки орқа ўт ўриб, аравага маҳкам боғлаб, уйга олиб келаман-да, ҳовлига ёйман. Қуриганларини боғлаб, томга босаман.

Сентябрь келиб, ўқиш бошланган. Ўт ўргани бир маҳал бораман. То қиш ёнгангичалиги бошланмагунча, бу ишимни тўхтатмайман.

Шу зайдлар ҳар йили 200 боғ атрафда пичан тўплайман. Узимнинг қариндошимизга турмушга чиққан олам (у кивдан Аллоҳ рози бўлсин) пулини эл қатори нарҳда санаб бериб, пичани олиб кетадилар. Киёмини бош, дафтар-қалам дегандек, камчиликларини тўғрилайман. Қолгани анча вақт ўзроғга ярайди.

Бир кун ўт ўргани Олтинтепаннинг ёнидаги жўхоризорга бордим. Ара-

вачамни икки-уч эгат ичкарига кири-тиб қўйиб, ўзимнинг бўйимдек келадиган қурмак ўтларни ўришга киришдим. Кўпроқ ўриб қўйибман шекилли, йўл бўйига ташиб чиққунимча, тўрлаб-пишиб кетдим. Аравани олиб келгани борсам, қўйган жойимда йўқ. Атрафга изгиб, роса қидирдим. Тополмадим.

Йиғлағудек бўлиб йўл ёқасига чиқсам, аравамнинг гилдирағи бир

га қон урди. Дувиллаб оққан ёшдан кўз олдим хиралашди. Ўзимни бошқармай қолдим. Оғзимга келганини қайтармай, сўкишга тушдим. Ошириб юбордим шекилли, новдани ишга солди. Елка арлаш орқамга ширтил-лаб тушган новда, назаримда, бутун жисми-жонимни қуйдириб юборди...

Кейин нима бўлганини яхши эс-лолмайман. Шунча биланки, калтакдан қочмадим. У ҳам қайта-қайта

шаман. Бола бўлсам ҳам ақлим етарди. Онам тўғри қилдилар. Акам обдон тажарулар, бутун қишлоқ билади. Ноҳақлик бўлса, ҳеч қимни аямайдилар.

Онам қўлимдан ушлаб, тўғри дала шийпонига бошладилар. Малиқ бригадир салқинда ҳордиқ чираётган экан. Онамни кўрди-ю, сўна қўнган молдек, типирчилаб қолди:

— Нечук...Келинг, ойи...

— Ойи деган тилизга асал, болам,

— дедилар онам босиқлик билан.

— Кўркманг, Малиқбой, гўдагимнинг олдида сизни беҳурмат қилмайман.

Фақат семириб, ёғ босиб, хиралашиб қолган ақл кўзингизни бироз очиб қўймоқиман. Мана, кўринг.

Онам шундай дедилар-у, шартта қўйлагимни ечиб, орқамни ўтирдилар:

— Санангчи, Малиқбой, бир-бирига илондек чирмашган новда излари қанча экан. Шу гавдангиз билан ҳали ўн ёшга тўлмаган гўдакни шу қадар савалашга қандай кўлингиз борганини...

— Жаҳл устидан... Ойижон, мени кечиринг.

— Кечирмасдан иложим қанча. Бандасининг вазифаси — кечиримли бўлиш. Аммо, ақлимни Яратганнинг ўзи беради. Эсланг, мана шу ўғлимнинг ёшида эдингиз. Бир ёғи етмилик, бир ёғи очарчилик... Очликдан шийиб ётганимизда, шу гўдагимнинг отаси кўтариб олиб келмаганида, билмадим...

— Эслаймак, ойижон, сиз ҳам мени ўз ўғлингиздек парваришлаб, ҳаётга қайтарган эдингиз:

— Буни болага қўл кўтаришдан олдин эсласангиз бўларди-ку?! Бил-лук қўйинг, Малиқбой, мен боланинг аламини олиш ё сизга танбех бериш учун келмадим шийпонингизга.

Тажанг ўғлимнинг феълини биласиз. Бирор қори хол юз бермасин, деб сизни огоҳлантириб қўймоқчи бўлдим. Ховуридан тушгунча, кўзидан нари юргангизиз маъқул...

Эсимни танганимдан кейин билсам, унинг Малиқбой бўлиб юришига оиламизнинг, айниқса, раҳматли отамларнинг меҳрибончилиги сабаб бўлган экан.

Самад йўлдош.

ТУЗЛУҚ



томонда, шотилари иккинчи томонда, синган тахта парчалари эса, атрафда сочилиб ётибди. Бу кимнинг иши бўлди?!

Шу пайт йўл ёқасидаги тутлар орасида нимадир шитирлади. Уйғирлик қарасам, Малиқ бригадир. Тутнинг энг сархил новдасини кесиб олиб, ён шохларини шилиб, силлиқ-ляпти. Тушундим, аравамни шу синдирган, Лекин, нега? Нима ёмонлик қилдим?

— Аравамни нега синдирдинг? У жавоб қилмади. Хомсемиз давасини лорсиллатиб, қўлдаги йўғонгина новдани ўйратиб, устимга босириб келаверди. Уюм-уюм қилиб қўйган ўтларимни тепиб, титиб, атрафга сочиб ташлади. Афтидан, жўхори сўта қидирган бўлса керак. Миям-

савалашдан тўхтамади. Охири қўлдаги новдани майда-майда қилиб синдириб, бир четга улқотирганча, жўнаб кетди.

Уйга қуруқ гилдирак билан қайтдим. Раҳматли онам билан қичик акам тушлик қилиб ўтиришган экан. Онам аҳволимни кўриб шўшиб қолдилар:

— Нима бўлди, болам?

— Малиқбой, — дедим-у, у ёғига гапиролмадим, томоғимга нимадир тикилди. Ўлкам тўлиб, ўзимни тутолмай, ўқиб юбордим.

Нима бўлганини узук-юлук билишгач, акам сапчиб ўринларидан турдилар. Энди бирор хунук йш рўй беришини сезган онам акамнинг йўлини тўсдилар:

— Хой, болам, шайтоннинг сўзига кирма, у нонқур билан ўзим гапла-

Футбол

Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий табақасида мусобақалар бошланди. Аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, бу мавсумда чемпионат кескин ва мурасимсиз курашда, турли натижаларга бой бўлиши кутилмоқда. Олий табақада қатнашадиган ўн олтинчи жамоанинг мавсумга пухта тайёргарлик кўргани, юқори ўринлар учун курашадиган клублар сафи кенгайгани чемпионат қизгин ўтишидан далолат бермоқда.

БИРИНЧИ ТУР:

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Мамлакат чемпионатида Тошкент вилояти шарафини "Олмалик" (Олмалик) ва "Металлург" (Бекобод) жамоалари ҳимоя қилмоқда. Ҳар икки клуб мавсумга юртимизда тайёргарлик кўрди. Айниқса, янги ўйинчилар ҳисобига таркибини кучайтирган "Олмалик" жамоаси Ўзбекистон футбол федерацияси кубоғи мусобақасида зафар кучиб, Тошкент вилоятида ҳам кучли жамоа шаклланаётганини исботлади.



Игорь Шквирин шогирдлари учун мавсум омадли бошланди. "Олмалик" биринчи тур учрашувини Наманганда "Навбахор"га қарши ўтказганига қарамай, дастлабки очкони қўлга киритди. Одатда, ўз майдонига ҳар қандай жамоани мағлуб этишга қодир бўлган наманганликлар "Олмалик"га қарши учрашувда ҳам бор эътиборни ҳавфли ҳужумлар уюштиришга қаратди. Бирок, ўн беш мингдан зиёд муҳлис кўз ўнгида тўп сурган "Навбахор" футболчиларига вилоятимиз жамоаси ҳимоясини ёриб ўтиш насиб этмади. Учрашувда ҳисоб очилмади ва биринчи турдаги ягона дурдан натижа қайд этилди — 0:0.

Утган йили чиройли ўйинлари билан муҳлис уйтаҳассислар ишончини оқлаган "Металлург" фут-

болчилари қутилмаганда ўз майдонига олий табақа дебютанти "Хоразм"га (Ургач) кичик ҳисобда ютқазиб қўйди.

Умуман, биринчи турда бир неча қутилмаган натижа қайд этилди. Утган йилги чемпионатда бронза медалига сазовор бўлган "Нефчи" (Фарғона) сафар учрашувда Зарафшоннинг "Кизилқум" жамоасига 1:0 ҳисобда енгилди. Бу мавсумда совринли ўринлар учун курашиши қутилаётган "Андижон" (Андижон) ўз муҳлислари кўз ўнгида Тошкентнинг "Локомотив" жамоасига имкониятини бой берди — 0:1. "Машъал"нинг (Муборак) сафар учрашувини "Сўғдиёна"га (Жиззах) 0:1 ҳисобда ютқазиб қўйганини ҳам биринчи тур шов-шувлари қаторига қўйиш мумкин.

Чемпионлик учун кура-

шадиган пойтахтнинг икки вакили — "Пахтакор" ва "Бунёдкор" дастлабки уч очкони қўлга киритди. Пахтакорчилар ўз майдонига "Бухоро"ни (Бухоро) 3:0 ҳисобда мағлуб этган бўлса, "Бунёдкор" Самарқандда "Динамо" дарвозасига битта гол уриб, сафардан галаба билан қайтди.

Энг йирик ҳисоб Қаршида қайд этилди. Ўз майдонига Фозулнинг "Шўртан" жамоасига 0:2 ҳисобда ўйинни бой бераётган "Насаф" футболчилари учрашув якунлангунча тўртта тўп киритиб, мағлубиятни галабага айлантиришди.

7 мартга белгиланган иккинчи турда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар узаро куч сынашди. Учрашувга "Олмалик" жамоаси мезбонлик қилади.

Бохир БЕК.

Қилмиш-қилмиш

ҲУЖЖАТСИЗ ЧАНГЮТГИЧЛАР

Ички ишлар ходимларининг сергак фаолиятлари натижасида бир қатор жиноий ҳолатлар очилишига эришилмоқда.

Хусусан, Ангрен шаҳрида Н. Обид бошқарувидаги "НЕКСИЯ" русумли автоловини йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ходимлари тўхтатиб, текширишганда, унинг юкхонасида умумий нархи тахминан 1 000 000 сўм бўлган Хитойда ишлаб чиқарилган чангютгичлар ва бошқа ҳужалик моллари ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланиб, ушланди.

«ОМАДСИЗ» ЎҒРИ

Янгийўл шаҳрида яшовчи Х. Саид тун қоронғусида амалга оширган жиноий муваффақиятли якун топшишга жуда ишонганди.

Ўзганинг уйини қалит танлаш йўли билан очиб кириб, 18 минг сўм пулни олиб, жиноий ҳаракатларини давом эттирмоқчи бўлиб турганда, уй эгасининг "бемаврид ташрифи" ҳаммасини барбод қилди. Х. Саид уй эгасига қаршилик қилиб, қочмоқчи эди-ю, бирок бошига тушган қаттиқ зарба-

дан хушини йўқотди. Ўзининг қочиб кетишига имкон бермай, бошига кетмон билан урган уй бекаси дарҳол ички ишлар ходимларига хабар берди. Унинг ҳасорати тўғрисида ўғрининг "ов"и омадсиз якун топди.

Хуршид РЎЗИЕВ,
вилоят ИИБ матбуот маркази ходими.

Тошкент вилояти ҳужалик судининг 2009 йил 24 февралдаги 11-0923/1182-сонли ҳал қилув қарорига асосан Бекобод туманидаги "Тошматов Сувонок" хусусий қорхонаси ҳамда 11-0923/1183-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Анорқул Рустамов" фермер ҳужалиғи банк-рот деб эълон қилиниб, тугатиш илди ишлар бошланди. Тугатиш бўшарувчи этиб Бекобод туман ДСИ ходими Ж. Эшматов тайинланган.

Мазкур қорхоналарда кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 10 март кунини соат 10.00 да Тошкент вилояти, Бекобод тумани Давлат солиқ инспекциясининг иккинчи қавати, 18-хонасида бўлиб ўтди.

Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Фарҳод кўчаси, 5-уй. Тел.: 150-49-99.

Тошкент туманида рўйхатдан ўтган "Сарқор транс" МЧЖга "Ўзавтодаёратранс" агентлиги томонидан № 0009890 рақамли лицензия асосан берилган қуйидаги лицензия рақамлари: № 0561418 — ГБА ГАЗ 322132-224 СПГ — 01А146БА № 0561947 — ГАЗ-270500 — 30К6537 № 0561948 — ГАЗ-270500 — 11Х6810 № 0561949 — ГАЗ-3207500 — 30Б6075 № 0561950 — ГАЗ-2705 — 11Г4400 № 0525333 — ГБА СПГ ГАЗ-322132 — 11W1274 № 0561419 — ГАЗ-322100 — 30Т6736 № 0505982 — ГБА СПГ ГАЗ-322132-220 — 11AV803 № 0505983 — ГБА СПГ ГАЗ-322132-220 — 11С4781 № 0561422 — СПГ ГАЗ-322132-224 — 30Т0089 № 0586163 — ГБА ГАЗ-2705 — 30J8311 № 0586164 — ГАЗ-270500 — 11N9756 № 0586165 — ГАЗ-2705 — 30С4163 № 0561423 — ГБА СТГ ГАЗ-322132 — 11Y0682 № 0586169 — ГАЗ-2705 — 11U0845 № 0586152 — ГБА СПГ ГАЗ-32213-24 — 11Y6796 № 0488183 — ФОРД ТРАНЗИТ — 30Z7364 № 0561421 — ГБА СПГ ГАЗ-322132 — 11J3227 № 0453204 — ИСТАНА — 11U9400 № 0540084 — ФОРД ТРАНЗИТ — 30W8895 № 0586166 — ГАЗ-270500 — 30A8274 № 0540549 — ГАЗ-2705 — 010761АА йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2004 йил 21 октябрда 89-рақам билан рўйхатдан ўтган Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Қорамурод кўчаси, 5-А уйда жойлашган "Қишлоқ авиаларини қўллаб-қувватлаш маркази" (ЙИИ №25271969, ОКПО 19799968) ТУГАТИЛДИ.

Давлолат эълон қилган қўндан бошлаб 263-46-03 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Яқсарой тумани, Х. Умаров кўчасида жойлашган "MILLENIUM-AUTO" ХКга 26.09.2008 йилда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан кадастр (реестр) № 3714279032-сонли Автосалон ТЖКС ва автомобилларни қовиш, савдо-машиш хизмат кўрсатиш мажмуаси учун берилган ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани, 6-мавзе, 12-уй, 34-хонадонда яшовчи Нурматов Равот Нурматович номига берилган уй-план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянкую круглую печать и патент реестровым номером 27 № 79/027 от 10.04.2007 г. выданной на имя ЧП "Курбаниязова Жарылқасына Ешиязовича" (ИНН 455600108) СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармаси билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реңлама ва эълон берувчилар масъулдир.